Ушбу сонда:
2 АВВАЛ ВАТАН, КЕЙИН — ЖОН!
3 Ўз ўрнини топган кишилар — ЯНГИЧА ИШЛАШ, ФИКРЛАШ МЕВАСИ
4 АЛПОМИШ ВА БАРЧИНОЙ — Тест синовларига тайёрмисиз?

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ.
ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 30 март, жума №48 (1062)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ПАХТАЧИЛИК ЯНАДА РИВОЖ ТОПАДИ

29 март куни Оксаройда мамлакатимизда пахтани қайта ишлаш тизимини ислоҳ этиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислигида ўтган мазкур йиғилишда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутувчи мазкур соҳада ўз ечимини кутаётган масалаларни таҳлил қилар экан, аввало пахтани қайта ишлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш зарурлигига эътиборни қаратди. Негаки, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи биздан бу соҳадаги ишларимизга муносабатни тубдан қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқда. Жаҳон бозоридан ўз салоҳиятимизга яраша муносиб ўрин олишимиз учун, аввало, пахтани қайта ишлаш саноатини замон талабларига мос равишда ривожлантиришимиз лозим. Айни пайтда жаҳон бозорида мамлакатимизда етиштирилаётган пахта толасининг 75 фоизи сотилмоқда. Гап рақамда эмас, гап - бу саноат хомашёсининг қандай нархланаётганида, хорижорларнинг қандай талабларни қўяётганидадир.

Мамлакатимизда пахтани қайта ишлаш саноати корхоналарининг салоҳиятини ошириш жуда муҳим, деди Президент Ислом Каримов. Бунинг учун соҳадаги ислоҳотларни уч бўғинда бирдек олиб боришимиз керак. Аввало, деҳқонларимиз ғўзанинг истиқболли, серҳосил ва эртапишар навларини танлай билиши, уларни экин майдонларининг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда жойлаштириши ва илғор технологияларни кенг қўллаши зарур. Бунда, албатта, пахта толасининг сифати жаҳон бозори талабларига тўла мос келадиган навларни экиш муҳим аҳамият касб этади. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўр ювиш, суғориш ҳамда ғўзани парваришлаш ишларининг ҳам изчиллигини таъминлаш зарур.

Пахтани қайта ишлашда нафақат сифатли тола олиш, балки унинг чигити ва чиқиндиларидан халқ эҳтиёжи учун зарур маҳсулотлар тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш керак. Дейлик, биз пахта ёғини хорижга экспорт қилишга қодир эмасмизми? Бу - тизимда ечимини кутаётган масалаларнинг иккинчи бўғини. Учиничи бўғини - жаҳон бозоридаги конъюктурани мунтазам ўрганиб бориш, у ерда қўйилаётган талаблардан деҳқонларни ҳам кенг миқёсда бохабар қилиш, пировард натижада, пахтамиз ва ундан тайёрланаётган маҳсулотларнинг юқори нархларда сотилишига эришишдир.

Йиғилишда Ўзбекистон пахта саноати бошқарув тизимини ислоҳ этиш омилларини ўрганиб чиққан махсус комиссиянинг таклифлари кўриб чиқилди ва уларни янада такомиллаштириш борасида зарур топшириқлар берилди.

Ўктам ДЎСТЁР,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ХУСУСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Германия Федератив Республикаси Федерал президенти Йоҳаннес Раунинг таклифига биноан шу йил 2-5 апрел кунлари расмий ташриф билан Германия Федератив Республикасида бўлади.

Ташриф чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ГЕРМАНИЯГА ТАШРИФИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2-5 апрел кунлари расмий ташриф билан Германияда бўлади. Шу муносабат билан ГФР элчихонаси маҳаллий ва оммавий ахборот воситалари учун матбуот анжумани ўтказди.

Германия Ўзбекистоннинг Европадаги яқин ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Икки мамлакат ўртасидаги алоқалар кўп соҳаларни қамраб олган. Ўзаро ришталарни мустаҳкамлаш мақсадида икки томон ҳам савдо, иқтисод, таълим, алоқа ва бошқа кўпгина жабҳаларда фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён давлатларимиз ўртасида турли даражадаги ташрифлар муттасил амалга ошириб келинаётир.

- Ўзбекистон Президентининг Германияга бу галги, учинчи ташрифи икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг янада ривож топишида муҳим аҳамият касб этади, - деди Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мартин Хеккер. - Ўзаро шерикликнинг бугунги аҳволи ҳақида гапирадиган бўлсак, у ёмон кечаётгани йўқ. Бироқ, томонлар барча имкониятлардан ҳам унумли фойдаланаяпти, дейиш қийин. Ўйлайманки, келаси ҳафтада бўлиши кутилаётган учрашувларда мавжуд ришталарни янада мустаҳкамлаш борасида ижобий натижаларга эришилади.

Давлатимиз раҳбари ташриф чоғида Германия Президенти Йоҳаннес Рау, канцлер Герҳард Шрёдер, ташқи ишлар вазири Йошка Фишер ва бошқа расмий кишилар билан музокаралар ўтказади. Шунингдек, Германия ишбилармон доиралари вакиллари билан ҳам учрашув кўзда тутилган. Музокараларда асосан савдо-иқтисодий алоқалар, минтақавий хавфсизлик, наркотик моддалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар хусусида фикр алмашилади, ҳужжатлар имзоланади.

(ЎзА).

«БАЛТИМОР - ҒАЛЛАОРОЛ» ЯНГИ ҲОСИЛНИ КУТЯПТИ

Ўтган йилнинг сентябр ойида Ғаллаоролда Россиянинг «Балтимор Холдинг» компанияси муассислигида «Балтимор-Ғаллаорол» масъулияти чекланган жамиятнинг шўъба корхонаси иш бошлаган эди.

Тумандаги эски консерва заводи базасида ташкил этилган бу корхонани ишга туширишда «Балтимор Холдинг» компанияси ишбилармонлари учун қийин кечмади. Улар қисқа муддатда цехларни таъмирлаб, туманда етиштирилган помидорни қабул қилишга киришди. Корхона ҳосилни қабул қилишдан олдин тумандаги хўжалик ва фермерлар билан шартнома тузиб, аванс ҳам тўлаб қўйди. Бу ўз навбатида хом ашё таъминотини кафолатлаш билан бирга деҳқонларга ҳам катта қулайлик яратди. Хуллас, 2000 йилнинг кузида корхонада 2,5 минг тонна помидор қайта ишланиб, 1 минг 100 тонна томат пастаси Россияга жўнатилди.

«Балтимор-Ғаллаорол» қўшма корхонасида бу йил ўтган йилгига нисбатан икки баравар кўп хом ашё қабул қилиб олиш учун цехларни кенгайтириш, жиҳозларни янгилаш ишлари олиб борилмоқда. Бу йил корхонада бир миллион шартли банка тайёр маҳсулот ва 1,5 минг тонна томат пастаси ишлаб чиқариш режалаштирилган. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, 450 нафар ёш янги иш ўрнига эга бўлади.

(ЎзА).

Наврўз қувончлари

МУРУВВАТУ САХОВАТГА ЙЎҒРИЛГАН КУН

Бозор шароитида баъзи корхоналарда муаммолар кўпайгани сир эмас. Лекин, «Қаловини топсанг қор ҳам ёнар» деган нақлга амал қилиб, касаба уюшма қўмиталари билан ҳамкорликда нафақат меҳнаткашларнинг иш ҳақларини ўз вақтида бериб, балки уларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириб, турли имтиёзлар яратиб бераётган корхона, хўжаликлар ҳам талайгина.

Бунга тармоқдаги «Кварц» шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу ерда ишчи-хизматчиларнинг меҳнат, дам олиш шароитлари ва турмуш тарзини янада яхшилаш борасида савобли ишларнинг амалга оширилиши одатий тусга айланиб бормоқда.

Яқинда жамиятда ишловчиларнинг 148 нафар, корхона ён атрофидаги қишлоқларда яшовчи кам таъминланган оилаларнинг 52 нафар фарзанди, жами 200 нафар болажоннинг суннат тўйига бағишланган катта тантана бўлиб ўтгани фикримиз исботидир. Барча сарф-харажатлар корхона ҳисобидан қопланди. Ташриф буюрган 2500 нафар меҳмонга дастурхон ёзилди.

Тўй болаларнинг ҳар бирига 5000 сўмликдан устбош совға қилинди.

Вилоят тарихида илк бор ўтказилаётган бундай катта маросимда қатнашаётган ҳар бир киши юракдан дил розини айтгиси, рақсга тушгиси, тўйга янада жозиба киритгиси келарди. Тўрда миллий либосда қўр тўкиб, қувончдан лола мисол очилиб-сочилиб ўтирган, ёшариш, янгиланиш фасли айёмида покланишга чоғланган тўй болалар ёдида бу қутлуғ, мурувватсаховатга йўғрилган кун бир умрга сақланиб қолиши шубҳасиз. Уларнинг падари бузруквор-лари, яқинлари кўзларида беихтиёр севинч ёшлари жилваланади. Қамишдан бел боғлаб хизмат қилаётганларнинг эса оёқлари олти, қўллари етти...

Маъмурият ва касабақўмнинг ташкилотчилиги-ю, саховатпешалигини фақат шу тўй билан боғлабгина қўймоқчи эмасмиз. Чунки мазкур тантана улар муттасил амалга ошириб келаётган эзгу тадбирлардан биттаси, холос. Чунончи, ўтган йили қаровчисиз қариялар ва Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига салкам 950 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Оталиқдаги мактаб ўқувчиларига эса 1 миллион сўмлик ўқув қуроллари, дарсликлар тухфа этилди.

Корхона раҳбари Одилжон Аллаёров ва касабақўм раиси Исмоил Умаралиевнинг таъкидлашларича, ишловчи аёлларга йил давомида 5 миллион сўмлик совға-саломлар улашилган. Жамоа аъзоларининг болалар боғчаларида тарбияланаётган фарзандлари учун сарф-ҳаражатлар маъмурият ҳисобидан қопланади. Ойлик маошлар салмоғи ҳам тобора ошиб бораётир. Техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасини таъминлашга жалб қилинаётган маблағлар миқдори кўпайиб бораётгани бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш имконини бераётир. Шу боисдан бўлса керак, мазкур корхонада ишлашни орзу қилаётганлар сони бисёр.

Ҳосилжон ҚОСИМОВ,
Фарғона вилоят Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир

ЎҚИТУВЧИ МАОШИГА 50 ФОИЗ ҚЎШИМЧА

32 нафар ўқитувчи ва 251 нафар ўқувчи. Уларнинг ҳар бири танлов асосида ишлаш ва ўқиш учун қабул қилинган. Зеро, бу даргоҳда сабоқ бериш ҳам, билим олиш ҳам шарафлидир. Болажонларнинг илм сирларидан кенгроқ бохабар бўлишлари учун барча имкониятлар яратилган. Ҳар бир дарс албатта кўргазмали куроллар билан ўтилади. Ота-оналар ҳам олиб борилаётган таълим ишларидан мамнун.

Бунинг сабаби мактаб директори Турсунали Хидировнинг бошланғич касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда иш олиб бориб, жамоа шартномасининг ҳар бир банди бенуқсон бажарилишига эришилаётганлигидадир.

Биз энг аввало, ходимларимизнинг маошини ҳар ойнинг учинчи иш куни 50 фоиз қўшимчаси билан тўлашни йўлга қўйганмиз. Синфхоналар бекаму кўст жиҳозланган ва кўргазмали куроллар билан безатилган. Ўқувчилар бизда 9-синфга қадар билим олишади.

Болаларнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши учун баскетбол, волейбол, футбол майдончалари улар ихтиёрига бериб қўйилган. Ўғил-қизларнинг 151 нафари кунига икки маҳал, ётоқхонада яшаётган 100 нафари эса 4 маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Шунингдек, ўқув корпуси ҳамда ётоқхонада «Маънавият ва маърифат» хоналари ташкил этилган. Уларда янги матбуот нашрларини ўқиш, радио эшитиб телевизор кўриш, дам олиш хоналарида эса шашка, шахмат ўйнаб бўш вақтни кўнгилли ўтказиш мумкин.

Мураббийларнинг таътил даврида яхши дам олиб саломатликларини тиклашларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳар йили ёз ойларида 15 нафар ўқитувчи «Хонжиза» дам олиш уйида ҳордиқ чиқаради. 2 нафар педагог эса «Чинобод», «Ботаника» сиҳатгоҳларида бўлиб, соғлиғини мустаҳкамлаб қайтди.

Ҳар байрамда фахрийлар ва касбига фидойи, ташаббускор муаллимларга қимматбаҳо совғалар берилади. Феруза Юсупова, Моҳира Тилакова, Тожихон Иброҳимова, Раъно Чориева сингари устозлар ёш авлодга билим беришда бошқаларга намуна бўлишаяпти.

Вилоят миқёсидаги шахмат мусобақасида ёш спортчиларимиз Бахтигул Қурбонова, Аброр Раҳмонов, Жаҳонгир Аброев, Шерзод Менглиевлар совриндор бўлишиб, республика босқичига йўлланма олдилар. Шунингдек, билим масканимиз тарбияланувчилари «Олимпиада умидлари — 2001» баҳсларида муваффақиятли қатнашиб, вилоят бўйича ўтказиладиган беллашувларда иштирок этадиган бўлдилар.

Муҳаррам ЁҚУБОВА,
Узун туманидаги 3-ихтисослашган мактаб-интернат касаба уюшма қўмитаси раиси.

ТАДБИРКОРЛАР ТАНЛОВИ

Фарғонадаги Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номли вилоят театрида вилоят ҳокими соврини учун уста ҳунарманд, тадбиркор ва фермерлар ўртасида «Ташаббус -2001» кўрик-танловининг вилоят босқичига якун ясалди.

Тадбирда «Ташаббус-2001» кўрик-танловининг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб топилган олтмишга яқин уста ҳунарманд, тадбиркор ва фермер ўзларининг амалий иш намуналарини вилоят жамоатчилиги ҳукмига ҳавола қилди.

Танловда иштирок этган ҳар бир ҳунарманд, тадбиркор ва фермер фаолияти ўзига хослиги, бетакрорлиги билан кўпчилик эътиборини тортди. Танловда риштонлик уста кулол Алишер Назаров «Энг яхши ҳунарманд», Ўзбекистон туманидаги «Умид» фермер хўжалиги «Энг яхши фермер», Қўқон шаҳридаги «Обидхон» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлди.

Танлов ғолиблари эндиликда «Ташаббус-2001» кўрик-танловининг республика босқичида вилоят тадбиркорлари, ҳунарманд ва фермерлари шарафини ҳимоя қилади.

Истеъмолчи манфаати — муқаддас

ЎЗ ФОЙДАСИГА «ЯНГЛИШГАН»ЛАР

Ўтган йилнинг август ойида республикамиз Президенти Фармонига кўра Ўзбекистон монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги ҳудудий бошқармалари ташкил этилган эди. Ўтган саккиз ой ичида хусусан Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси бозор шароитида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ишларни амалга оширди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил март ойидаги Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисидаги қарорига мувофиқ жойларда текширишлар ўтказиб турилди. Натижада, айрим хўжалик юритувчи субъектлар томонидан белгиланган нархлар (тарифлар)ни тўғридан-тўғри ошириш ҳисобига асоссиз даромад олинаётгани аниқланди. Аниқроғи, ўтган йили 15 та корхонада жами 4192994 сўм асоссиз даромад олинишига йўл қўйилган.

Текшириш чоғида, вилоят «Пилла» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ўз фойдасига «янглишиб кетгани» фош этилди. Яъни, Марғилон ип-йигирув корхонаси билан жамият ўртасидаги тузилган шартномага асосан 7812 килограмм пилла маҳсулотининг ҳар килограмми 193 сўм ўрнига 250 сўмдан сотилган. Мазкур корхона фақат шунинг ҳисобига 445284 сўм ортиқча даромад олган.

Ушбу ноқонуний даромад юзасидан жамиятга иқтисодий санкция қўлланилиб, юқоридаги маблағ давлат бюджетига ундирилди. Корхона бош ҳисобчиси К.Исмоилов, бош иқтисодчи Х.Шукуровалар маъмурий жазо билан «сийландилар».

Шуни ҳам айтиш жоизки, жамият раҳбарларининг бепарволиклари оқибатида «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-моддаси талаблари бузилган. Бунинг устига корхонанинг номи, юридик манзили, иш тартиби пешлавҳада акс этмаган. Ҳудудий бошқарма аралашувидан сўнг бу камчиликларга ҳам барҳам берилди.

Зафар МУҲАММАДИЕВ,
Республика монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.

Аввал ВАТАН, кейин-ЖОН!

«Ватанпарвар» газетасини таъбир жоиз бўлса, ўзбек ҳарбий журналистикасининг ўзаги дейишимиз мумкин.

Қуйида газета бош муҳаррири полковник Ирисмуҳаммад АБДУКАРИМОВга сўз берамиз. У матбуот соҳасидаги илк фаолиятини «Оҳангарон» туман газетасида бошлаган. Бир неча йил турли ташкилотларда ишлади. 1999 йилда «Жасорат» медали билан мукофотланди. Яқинда «Мен генерал бўламан» деб номланган бадиий публицистик китоби чоп этилди.



«ВАТАНПАРВАР» — ИСТИҚЛОЛ МЕВАСИ

— «Ватанпарвар» газетасини том маънода мустақиллик меваси деб айтишга тўла асос бор. Истиқлол шарофати билан ўзбек ҳарбий журналистикаси дунёга келди. Газетамиз ўқувчилари, мухлисларининг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Республика матбуот оламида ягона ҳарбий нашр бўлмиш «Ватанпарвар» ўзининг биринчи сонлариданоқ фақатгина ҳарбий аудитория билан чекланиб қолмасдан, мамлакатимиз халқининг барча қатламларини республика, қолаверса, дунё миқёсидаги ижтимоий-сиёсий воқеаларни турли рукнлар остида ёритиш орқали қамраб олишга ҳаракат қилди. Ўз олдимиздаги вазифаларни қанчалик уддалаяпмиз — бу ҳақда газетамиз таҳламлари сўзласин, уларни ўқиётган ўқувчиларимиз айтсин. Газетамизнинг мухлислари кўп, обуначилари ойдан-ойга, йилдан-йилга кўпаяётир. Буни бир сўз билан изоҳлаш мумкин: ҳарбий хизматнинг нуфузи ортиб боряпти. Шу боисдан ҳам ҳарбийларимиз газетаси бўлмиш «Ватанпарвар»га талаб ошмоқда.

Бир пайтлар ота-оналар ўғлини қандай қилиб ҳарбий хизматдан олиб қолсам, деб югуриб юришар эди. Энди у кунлар ортда қолди. Мустақиллик йилларида ўз қуролли кучларимиз шакланди. Армиямиз чинакам мардлар, ҳақиқий ватанпарварлар мактабига айланди. Бу мактабнинг таълимини олган ўғлон ҳаётда қоқилмайди, ўз ўрнини топади. Қайси ота-она фарзандининг камолини кўришни истамайди, дейсиз?! Бугунги кунда республикамиздаги барча ота-оналар ўғилларини аскар либосида кўришни, улар ватан ҳимоячилари бўлишларини жуда-жуда хоҳлашади. Офицерлик касбини танлашса-ку, уларнинг қувончини сўз билан таърифлаш қийин. Шундай бўлгач, ҳарбийлар ҳаёти, фаолиятини акс эттирувчи «Ватанпарвар» газетасининг ҳар бир янги сонини интиқлик билан кутишади, иштиёқ билан ўқишади, десам муболаға қилмаган бўламан.

Бугунги кунда ҳарбий журналистларимиз подполковниклар — Х.Жуманазаров, К.Миргалаутдинов, В.Калошин, Я.Корука, майорлар — А.Обрўев, А.Камолов, Х.Зайнилов, капитан А.Усмонов, катта лейтенант А.Сафаров, Қуролли Кучлар хизматчилари — мухбирларимиз А.Будаев, З.Юнусова, Х.Мирзаевлар ўзларининг материаллари билан ўқувчиларимизга анча танилиб қолишган. Йилдан-йилга уларнинг қаламлари чархланиб, маҳоратлари ошиб бормоқда. Улар ёзган мақолалар нафақат «Ватанпарвар»да, балки республикамиздаги турли газета ва журналларда ҳам чоп этилаётир.

АКАМГА МАКТУБ

Қарши шаҳрида хизматни ўтаётган оддий аскар акам Илёсбек РАЖАБОВга

Қувончларга тўлсин қалбингиз.
Юртни асраш бўлсин аҳдингиз.
Ушбу сўзни айтар синглингиз,
Сиз Ватанни асранг, акажон!

Ҳар нарсадан хоинлик ёмон.
Мард бўлади йигит бегумон.
Номардликка йўл берманг ҳеч он,
Сиз Ватанни асранг, акажон!

Дилдан ўтанг аскарлик бурчин,
Сарфланг юртга йигитлик кучин.
Ўзбегимнинг тинчлиги учун
Сиз Ватанни асранг, акажон!

Қайда бўлманг Оллоҳ сизга ёр,
Онам дуолари — мададкор.
Соғинч тўла шеър битди Гулнор,
Сиз Ватанни асранг, акажон!

Гулнор РАЖАБОВА.

Ватанимиз мадҳияси янграганда...

«Жасорат» медали соҳиби

Тоғларга қоронғулик эрта тушади. Кундузи савлат тўкиб турган арчалар кечалари мунғайиб қолгандек кўринади. Снайпер тунги кўриш мосламаси ўрнатилган милтиғи билан атрофни бир сидра кўздан кечирди. Сўнг рация орқали командири билан боғланди-да, яна тоғнинг оқшом манзараларини кузатишда давом этди...

ТЎЙНИНГ КЕЧИ БЎЛМАЙДИ

Абдулла дам олиб, бироз куч тўплаши керак. Бошини чайқаб, уйқуни қочирди. Қўққисдан ғира-шира қоронғуликда иккита шарпани кўргандек бўлди. Кўкрагини ерга бериб, беркинганча зийрак нигоҳларини ўша томонга тикди. Снайпер ўз милтиғининг тунги кўриш мосламасидан қаради. Бироқ фойдаси бўлмади. Бир пайт қандайдир шарпалар қулоғига чалинди. Сўнгра тошнинг тошга тегаётган товуши эшитилди. Старшина Абдулла Муродов бу ҳақда рация орқали командирга маълум қилди. Командири буйруқ берди:

— Кузатишда давом эт. Ҳозир етиб борамиз.

Йигит ҳалигиларни кўрмаса-да, овозларини эшитар, тошларни териб, нималардир қилишаётганини сезарди. Балки ўзлари учун тошдан қулай истеҳком қураётган бўлишлари мумкин.

Кўп ўтмай ёнига забардаст йигитларни олганича командир етиб келди. Гуруҳ ҳар томонлама кузатувлардан сўнг душман ҳақиқатан ҳам ўзига кичик истеҳком қураётганини аниқлади. Қўмондонликка бу ҳақда рация орқали хабар берилгач, душманни йўқ қилиш операцияси ишлаб чиқилди. Бундай шароитда жанг қилиш тактикасининг ҳадисини олган шунқорлар душман устига қўққисдан ташланишди. Душман буни кутмаганди. Шошиб қолди. Халқаро террорчилар шу заҳоти қириб ташланди. Бу жангда снайпер старшина Абдулла Муродов жасорат кўрсатди. Мардларча жанг қилди. Бироқ душман ўқидан ўнг елкаси яраланди. Шу жангдаги шижоати учун «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Абдулла асли шу ерларнинг фарзанди. Снайпер серфарзанд ўзбек оиласида — Абдураҳим ака ҳамда Гавҳар аялар хонадонида вояга етди.

Маълумки, ўзбек хонадонидаги тўйларнинг кўпи август ойига тўғри келади. Негаки шу ойда айнан пишиқчилик бўладида! Ҳа, дастурхон нозу-неъматларга тўлади. Абдулланинг тўйи ҳам 2000 йилнинг август ойига мўлжалланганди. Аммо кечиктирилди. Тўй Абдулла госпиталда даволаниб чиққач, октябр ойида бўлиб ўтди.

Айтиб ўтиш керакки, Абдулланинг рафиқаси Шабнамой бухгалтерия коллежини тугатган. Энди улар иккови — оилавий ҳимоячилар.

— Ҳар гал қишлоғимизга борганимда бирон муҳим ўзгариш, янгиланишни кўраман, - дейди Абдулла Муродов, - бу - мустақиллигимиз меваси. Мен истиқлолимизни кўз қорачуғидек ҳимоя қилишга бир умр тайёрман.

С.АЛИЕВ.

ДРЕЗДЕН ТАЪЗИМИ

Фахр

Эстраданинг таниқли юлдузи Эдита Пьеха кўпинча кўзда ёш билан ижро этадиган қўшиқ бор. «Икки йигит ва бир осмон» деб аталади у. Қўшиқнинг қисқача мазмуни мана бундай: икки қадрдон учувчи дўст бўларди. Кунлардан бирида улар улкан шаҳар узра ўз самолётларида машқ қилиб юрар эканлар, бирдан ҳарбий «пўлат қуш»нинг юраги ишдан чиқади, яъни моторларидан бири ёна бошлайди. Пастдан, ердан уларга самолётни тарк этиб, парашютда сакраш ҳақида буйруқ берадилар. Лекин, минг афсуски, самолёт қанотлари остида улкан шаҳар ястаниб ётарди. Нима қилмоқ керак? Йигитлар ўйлаб ўтирмай, ўз жонларидан кечганлари ҳолда самолётни шаҳар четидаги ўрмонгача бошқариб боришга муваффақ бўладилар. Ўрмон четида эса самолёт портлайди... Шаҳар аҳли бу фалокатдан воқиф бўлмагани ҳолда қаерлардадир машқ бўляпти деб ўйлайди...

Мазкур қўшиқ аниқ фактлар асосида яратилган бўлиб, унда ҳақиқатан ҳам ҳаётда юз берган воқеа ўз аксини топган. Ҳарбий учувчилар Анатолий Максимов ҳамда Владислав Кожевников ўзларининг ёнаётган самолётини шаҳар устидан олиб ўтиб, ўрмонга буриб юборишга муваффақ бўлганлар. Самолёт билан бирга ўзлари ҳам портлаб кетганлар.

Ана ўша қаҳрамонлардан бири — Владислав Кожевников бизнинг ҳамюртимиз эди. У гуллаётган Наманган вилоятининг Поп туманида, асов ва тошқин Сирдарё бўйида таваллуд топди. Шу ерда ўрта мактабни олтин медал билан тамомлади. Авиация билим юртига ўқишга кирди. Юксак малакали ҳарбий учувчи бўлиб етишди. Бахтга қарши, энг гуллаган 25 ёшида, минглаб одамларнинг бошидан катта фалокатни олиб қолгани ҳолда оламдан кўз юмди...

Поп шаҳри фуқаролари ўзларининг жасур ва матонатли ҳамюртлари билан ҳақли равишда фахрланадилар, унинг ҳурматини жойига қўядилар.

Олис Германиянинг қадимий Дрезден шаҳрида эса икки мард жангчи хотирасига улкан ёдгорлик қад кўтариб турибди.

... Қаҳрамон ҳамюртимиз ҳаёт бўлганида бу йил олтмишинчи баҳорини қаршилаган бўларди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ватанпарвар — ўз Ватани камолоти йўлида, ўз халқига муҳаббати туфайли эзгуликлари тугул, жонини ҳам аямайдиган инсондир, халқи ва ватани озодлиги, фаровонлиги учун ўзини қурбон қилувчи инсондир.

М.Охундов.

Асл мард одам қаҳрамонликни жасорат эмас, бурч деб билади.

А.А.Бестужев-Маринский.

Саховатнинг энг буюк жасурликлари Ватанга муҳаббат туфайли юзага келган.

Ж.Ж.Руссо.

Маърифатли халқларнинг ҳақиқий жасорати Ватан йўлида қурбон бўлишга ҳозир эканликларида акс этади.

Г.Гегель.

ҲАЁТ ИШҚИ

Очерк

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига

(Боши ўтган сонда)

— Мана, бўшаш ҳақидаги аризанг. Ўз қўлинг билан ёзгансан. Боравер, сенга жавоб.

Билмадим, балки бу меҳнат ҳақидаги низому қоидаларга тўғри келмас, лекин ўша ердаги чўл шароити, турли хил одамлар, қатъий тартиб-интизом нуқтаи назаридан ўзини тўла оқлади.

Бўлимга, унинг довруғини эшитиб, ҳаётда турли сабаблар билан тақдирлари букилган, лекин тўғри йўлга тушишга қатъий аҳд қилган, бунинг учун ўзида етарли даражада иродани шакллантира олган кишилар бирин-кетин тўплана бошлади.

Ҳа, корейс йигити Қашқадарёнинг бир чеккасида ўзига хос меҳнат кўникмасига, қатъий тартиб-интизомга асосланган тарбия мактабини ташкил этган эди. Биз Ўзбекистон «ойнаи жаҳони»нинг телетасвирчиси Валерий Шугаев билан 1988 йилнинг ёз ойларида Лев Ким ҳақида кинофильм яратган ва телевидение орқали намойиш этган эдик. Шунда кўплар ажабланишганди: «Рус, украин, татар, корейс миллатининг одамлари қойилмақом қилиб пахта етиштиришса-я! Ё алҳазар!»

Энг қизиқ жойи шунда эдики, бу бўлимда ўша йиллари Қашқадарёда энг юқори — гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириларди ва бўлим вилоятда биринчилардан бўлиб режани бажарарди. Пахта ҳосилининг аксарият қисмини Лев Николаевичнинг умр йўлдоши, тиниб-тинчимас Роза опа машинада териб оларди...

Шундан бери бир-бирини қувиб йиллар ўтди. Мустақиллигимиз шарофати билан Лев Ким ўзи ишлаётган бўлимда фермер хўжалиги ташкил этди. Биз мазкур очеркимизда Лев Ким чўлда пахта етиштиришнинг кўпчилик томонидан эътироф этилган халқ академигига айланганлиги, унинг ўзига хос деҳқончилик услуби ҳақида батафсил тўхталиб ўтирмадик. Бу — бошқа мавзу.

Истиқлолга эришган Ўзбекистонимизнинг «Дўстлик» ордени таъсис этилгач, қаҳрамонимиз биринчилар қаторида ушбу юксак мукофотга сазовор бўлди.

Биз ўтган йили, Конституция куни арафасида Лев Ким Президентимиз қўлидан иккинчи юксак мукофот — «Меҳнат Шуҳрати» орденини олишга мушарраф бўлгач, унинг ҳозирги ишлари билан муфассал танишиб қайтдик.

Маълум бўлдики, хўжаликда айни кунларда 19 нафар, тақдирлари бир букилиб, кейин изига тушган ишчилар меҳнат қилишар экан. Ўтган йили 58 гектар майдонга чигит экиб, режадаги 26 центнер ўрнига 35 центнердан ҳосил териб олишибди. Соф даромад 6 миллион сўмни ташкил этибди.

— Пахтамиз ҳали анча бор эди, - дейди фермер хўжалиги раҳбари яширмай,- териб олишга кучимиз етмади. Қўшнилар териб кетишди. Ахир, барибир бир хирмонга тўкилади-ку!

Фермер хўжалиги ишчилари маълум миқдорда пиёз ва картошка ҳам етиштирадилар. Ушбу маҳсулотлардан, шунингдек, пахта чигитидан олинадиган ёғ ва кунжарадан ҳам улар ўз улушларига эга бўлишади. Ҳар бир ишчи йил давомида ўртача ойига 20 минг сўмдан маош олмоқда.

— Ҳозирги «шогирд»ларингиз билан танишиб қўйсак... - илтимос қиламиз Лев Николаевичдан.

— Ана улар, - жавоб беради ҳамсуҳбатим нарироқда, ариқларни тозалаш билан банд бўлган ишчилар томон ишора қилиб, - исми-фамилияларини ёзиб қўйсангиз бўлади: Фарид Эшмуҳамедов, Виктор Моисеев, Владимир Зайцев, Геннадий Шевченко...

Уларнинг барчаси 5-6 йил давомида катта ҳаёт синовидан ўтиб, эндиликда жамиятимизнинг тўлақонли, фаол аъзолари сифатида фаолият кўрсатаётирлар. «Лёва амаки» улар учун ота, Роза опа эса меҳрибон она.

Лев Ким ва унинг сафдошлари қачонлардир бу ерда оддий ертўла қазиб, уларни хужраларга айлантириб кун кечирган бўлсалар, энди ҳаммаси замонавий, кўркам уйларга эга. Фермер хўжалигига Қарши-Таллимаржон йўлидан текис асфальт йўл олиб келади.

Бир вақтлар Лев Кимнинг тарбиясини олган одамлардан баъзилари бошқа давлатларда яшамоқдалар. Лекин улар қаттиққўл, бироқ ниҳоятда адолатли устозни унутмайдилар. Владимир Ивашовга ўхшаб хатлар ёзиб туришади, телеграммалар йўллашади.

...Қуёш узоқдаги тоғлар ортига қизариб ботмоқда. Суҳбатимиз сўнггида «Лёва амаки»га бир савол билан мурожаат қиламан:

— Мустақилликнинг ўн йиллиги яқинлашиб келяпти. Истиқлол Сизга нима берди?

— Бахт берди, - дейди у дадил, - Бу гапимни баландпарвоз гаплар сирасига қўшманг. Ҳа, мустақиллигимиз менга том маънода бахт ҳадя қилди...

Мен оддий қишлоқ фарзанди ўз меҳнатим билан ҳурмат топдим, қадр топдим. Юртимиз раҳбарининг қўлидан бир эмас, икки марта юксак мукофот олдим. Бахтимнинг чеки-чегараси йўқ...

Мана энди «Лёва амаки» нақадар ажойиб инсон эканлигига сиз ҳам ишонгандирсиз? Мабодо, Қашқадарё чўлларига йўлингиз тушса, унга албатта бир учраб ўтинг. Имоним комилки, танишганлигингиздан асло афсусланмайсиз...

Қодиржон СОБИРОВ.

Саволларингизга Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Бош мутахассиси Йўлдош АҲМЕДОВ жавоб беради

Ҳуқуқий маслаҳатхона

Савол: «Меҳнат Шуҳрати» ордени билан тақдирланганларга қандай имтиёзлар бор?

Раъно Қобилова, Шўрчи туманидаги 44-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Жавоб: «Меҳнат Шуҳрати» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг 40 карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар. Қонунчилигимизда ушбу мукофот билан тақдирланганларга бошқа имтиёзлар назарда тутилмаган.

Савол: «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони олганман. Бу унвон билан тақдирланган шахсларга мавжуд қонунларимизда қандай имтиёзлар белгиланган?

Ҳаким Норқулов, Қўшработ тумани, 56-мактаб ўқитувчиси, Исмоил Мусурмонов, Термиз туманидаги 4-мактаб мураббийси.

Жавоб: Мазкур унвон билан тақдирланганлар маошига ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 60 фоизи қўшиб берилади.

Савол: Турмуш ўртоғим 35 йил Жомбой туманидаги 55-мактабда ўқитувчилик қилган. Газетанинг шу йил 16 январ сонидаги «Таълим ва фан вакилларига имтиёз» сарлавҳали мақолада Президентимизнинг 1990 йил 13 ноябрдаги Фармонида кўрсатилган имтиёзлар ҳақида сўз юритилган. Унда қайд этиб ўтилган имтиёзларнинг кўпчилигидан бехабар эканмиз. Фойдаланишимиз мумкин бўлган кафолатлардан бахраманд бўлиш учун тегишли ташкилотларга мурожаат қилдик. Бироқ имтиёзлардан фойдаланиш учун пул ўтказиш масалаларида бир қанча қийинчиликларга дуч келмоқдамиз. Ҳовли солиғи, газ, сув, электр энергиясидан имтиёзли фойдаланишда ҳисоб-китоб ишлари қандай амалга оширилади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Т.Аҳмеджонов, Самарқанд тумани, Каптархона қишлоғи.

Жавоб: Бу ерда ҳеч қандай сансалорчиликка ўрин бўлмаслиги керак. Коммунал хизматлар ҳақи мазкур туман халқ таълими бўлими томонидан амалга оширилади.

Савол: Менинг дастлабки иш стажим ўқитувчиликдан бошланган. 18 йилга яқин узлуксиз ўқитувчилик қилиб кейин сайлов йўли билан бошқа жойларда ишлаган даврим ўқитувчилик стажига қўшиладими? Яъни педагог ходимларнинг имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқидан фойдалана оламанми?

И.Жўраев, Қамаши тумани, Лангар қишлоғи.

Жавоб: Педагог ходимларга имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи тўлиқ иш куни мажмини белгилаш тўғрисида» 1993 йил 1декабрдаги 582-сонли қарорига мувофиқ электр қувватидан фойдаланиш меъёри 1993 йил 1 декабрдан ойига 110 КВТ соат миқдорида белгиланди. Кўрсатилган меъёрдан ортиқ фойдаланилган электр учун умумий асосларда ҳақ тўланади.

Қишлоқларда ва шаҳар типидаги посёлкаларда истиқомат қилаётган педагоглар квартира ва коммунал хизматлар тўловидан озод қилинади. Шаҳарда истиқомат қилувчи педагог ходимлар бир хил тўловлардан 50 фоиз миқдорида озод қилинади. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 541-сонли қарорининг 14- банди ва 19-иловасига биноан табиий газ бўйича имтиёзлардан фойдаланувчи фуқаролар учун янги тариф меъёрлари қабул қилинган. Ушбу қарор бўйича Молия вазирлиги ўзининг 1999 йил 11 январ 06-03-17/54 сонли хати орқали қуйидагиларни маълум қилади.

а) бир оила учун ойига 40 кв.м иситиладиган майдон учун Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида 240 куб.м, Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларда эса 220 куб.м газ бўйича (бир оиладаги имтиёздан фойдаланувчилар сонидан қатъи назар) имтиёз белгиланган.

б) овқат тайёрлаш учун фойдаланишда:

- марказлаштирилган иссиқ сув тармоғи мавжуд бўлган хонадонларда ҳар бир имтиёздан фойдаланувчи фуқаролар учун бир ойда 9 куб.м имтиёз белгиланган.

- марказлаштирилган иссиқ сув тармоғи мавжуд бўлмаган хонадонларда ҳар бир имтиёздан фойдаланувчи фуқаролар учун бир ойда 12.5 куб.м имтиёз белгиланган.

Ушбу имтиёзлар бўйича ҳисоб-китоблар 1999 йилнинг 1 январидан амалга ошириб келинаяпти. Мазкур имтиёзларнинг барчасидан шаҳар ўқитувчилари 50 фоиз ва қишлоқ ўқитувчилари 100 фоиз фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

- Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги 280-сонли қарорининг 4-бандида сув ва газни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш квартира ва уйларда - квартира ва уй-жойларда мулкдорлари ҳисобига амалга оширилади, — дейилган:

— туман марказларида яшовчи педагог ходимлар барча тегишли имтиёзлардан шаҳар меъёрлари бўйича фойдаланадилар;

- халқ таълими тизимининг бошқарув органларида ишловчи педагог ходимлар Президентнинг 1990 йил 13 ноябрдаги Фармонида белгиланган маиший хизматлар (сув, табиий газ, электр энергияси ва иссиқлик) учун имтиёзли ҳақ тўлаш ҳуқуқига эга эмаслар.

Ўз ўрнини топган кишилар

Республикамиз мустақилликка эришгач, газ, нефт, энергетика саноати айниқса тез суръатларда ривожланиб кетди. Қарийб ўн йил ичида мазкур соҳаларда катта иншоотлар ишга туширилди. Албатта, улкан юмушларни амалга оширишда фидойиларча меҳнат қилаётган касаба уюшма аъзоларининг ҳиссаси беқиёсдир. Шу боис, биз тизимда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасида бўлдик. Буни қарангки, ташрифимиз қўмита раиси Алишер ҒУЛОМОВнинг тавалуд топганига 60 йил тўлган кунга тўғри келибди. Биз у кишини чин дилдан табриклаб, тармоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, жамоаларда қулай иш шароитини яратиш ва албатта ижтимоий ҳимоя борасида қилинаётган ишлар ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.

ЯНГИЧА ИШЛАШ, ФИКРЛАШ МЕВАСИ

— Истиқлол йилларида соҳамизда мисли кўрилмаган ишлар қилиндики, уларнинг баъзиларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз, деб ўйлайман. Жумладан, республикамизнинг нефт ва газ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қондирилиб, экспорт қилина бошланди. Бунга эришиш учун бир қатор янги ишлаб чиқариш шоҳобчалари, иншоотлар ишга туширилди. Иқтисодий-таркибий ўзгаришлар қилинди. Мулкчилик ва хўжалик юритишнинг янги, самарали ва бозор иқтисоди талабларига жавоб берадиган шакллари ҳаётга кенг татбиқ этилди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Кўкдумалоқ газ компрессор станцияси, Хўжаобод ер ости газ омбори ва бошқа иншоотларнинг фойдаланишга топширилиши фикримизнинг далилидир. Бундан ташқари, тизимда хориж сармояларини жалб қилган ҳолда ўнлаб қўшма корхоналар ишга туширилди. Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонаси қайта таъмирланди. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг, «Ўзэнерго» давлат акционерлик компаниялари, кимё саноати тизими такомиллаштирилди. Яқинда халқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган Шўртан газ-кимё мажмуасининг биринчи навбати ишга туширилиши мўлжалланмоқда ва ҳоказо.

— Тармоқ касаба уюшмалари фаолиятидаги ўзгаришлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Яқин уч-тўрт йил ичида ишимизнинг самарасини ошириш ва иш берувчилар билан ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида ҳамкорликни кучайтириш мақсадида бир қатор ташкилий ишларни амалга оширдик. Касаба уюшма тизими бир мунча такомиллаштирилди. Бошланғич ва вилоят қўмиталари, кенгашлари иқтидорли, етарли билим ва тажрибага эга бўлган мутахассислар билан мустаҳкамланди. Айниқса аёлларни касаба уюшмаларига жалб қилиш борасида кўплаб ишлар қилинди. Натижада бугунги кунга келиб 5 та вилоят қўмитамиз ва 30 фоиздан ортиқ бошланғич ташкилотларимизга аёллар раҳбарлик қилишмоқда. Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашда кўпроқ аёллар, ёшлар, кам таъминланган ва кўп болали аёлларга эътибор берилаётир. Масалан, шу йилнинг январ ойида Марказий қўмитанинг аёллар муаммолари билан шуғулланадиган махсус комиссияси тузилди. Ушбу комиссия ташаббуси билан Янги Ангрен ДИЭСи қошида хотин-қизларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва бурчларига бағишланган семинар, Олмалиқ «Аммофос» заводида «Фарзандларимиз камоли қўлимизда» деб номланган оналар ва болалар ўртасидаги кўрик-танлов ўтказилди.

Тармоғимиз оғир саноатга ихтисослашганлиги боис, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси масалаларига катта эътибор берилаётир. Мисол учун, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишнинг олдини олиш мақсадида Марказий қўмита раёсатига тармоқ раҳбарларининг бу борадаги ишлари ҳақида ҳисоботларини муҳокамага қўйдик ва аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли чоралар белгиладик. Янги корхона ва иншоотлар барпо этилишида лойиҳалашдан бошлаб касаба уюшма техник нозирлари томонидан тегишли хавфсиз иш шароити, ишчилар шаҳарчаларида керакли ижтимоий инфратузилмалар барпо этилиши назорат остига олинган.

— Алишер Ҳамидович, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича қандай ишлар амалга оширилаяпти?

— Бу борада Марказий қўмита тармоқ битимлари асосида иш олиб бормоқда. Унга мувофиқ барча корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари тузилган. Битимлар ва жамоа шартномаларига ходимлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳомиладор ва ёш болали аёллар, кўп фарзандли оилалар, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маиший, маънавий-маърифий манфаатларини таъминлашга оид қатор мажбуриятлар, имтиёзлар ва кафолатлар киритилган. Уларнинг бажарилиши юзасидан касаба уюшмалари томонидан иш берувчилар билан ҳамкорликда муайян ишлар олиб борилаётир. Масалан, «Соғлом авлод йили» тадбирлари дастурини бажаришда жамоа шартномалари имкониятларидан кенг фойдаланилди. Хусусан, 1999 йил давомида ушбу ҳужжатлар орқали ҳар бир ходим учун 80 минг сўмга яқин маблағ сарфланган. Яъни, ҳар бир касаба уюшма аъзоси йил давомида тўлаган аъзолик бадалларига нисбатан 18-20 баробар ортиқ манфаат кўрган. Ўтган йил якуни бўйича ҳам бу кўрсаткич бурноғи йилдагидан кам бўлмаслиги кутилмоқда. Бундан ташқари, ҳар ой якуни бўйича жойларда иш ҳақи ўз вақтида тўланиши қатъий назорат остига олинган.

— Касаба уюшмаларининг янги молиявий фаолияти қандай самара бермоқда?

— Бу усулни жорий этганимиздан сўнг қисқа вақт ичида кўплаб ишларни амалга ошириш учун имкониятлар туғилди ва биз бундан сезиларли самара олдик. Марказий қўмита ва жойлардаги ташкилотлар иши компьютерлаштирилди. Бу эса касаба уюшмаларида ахборот тизимининг янада такомиллаштирилишига ёрдам берди. Ҳар йили уч босқичдан иборат йирик спорт мусобақаларини ўтказа бошладик. Масалан, миллий кураш, катта теннис бўйича Марказий қўмита соврини учун республика турнирлари ва касаба уюшмаларининг спартакиадасини ўтказиб келмоқдамиз.

Жорий йилнинг сентябр ойида эса Халқаро касаба уюшмалари ICEM ташкилотининг хотин-қизлар муаммоларига бағишланган семинарини Тошкент шаҳрида ўтказиш учун тайёргарлик ишларини амалга оширмоқдамиз.

Суҳбатдош: Ғулом ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири.

ҲУҚУҚШУНОСЛАР ОДАМЛАР ОРАСИДА

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида шартномавий муносабатлар мамлакатимизда тобора ривожланмоқда. Ўз ҳуқуқини пухта билган тадбиркор бу муносабатни яхши англаб, ўз иш фаолиятида қоқилмайди. Адлия вазирлиги ҳуқуқшунослари бу борадаги саводхонликни оширишга астойдил ҳаракат қилмоқда.

— Шартнома — тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг асоси ҳисобланади, - деди Адлия вазирлиги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятларини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Давлатназар Матрасулов «Туркистон-пресс» мухбирига. - Бунда малакали юристлар иштироки жуда муҳим. Чунки мамлакатимизда қонун устуворлигига алоҳида аҳамият берилмоқда. Адлия вазирлиги ва бошқа идоралар ҳамкорлигида кейинги даврда бир неча қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди. Натижада, қонунчиликка мувофиқ келмайдиган, тадбиркорликни, ташаббускорликни чеклайдиган ва шартномавий муносабатларга бир ёқлама қараш каби ҳолларга чек қўйилмоқда.

Адлия вазирлигида Вазирлар Маҳкамасининг Алоқа ва транспорт мажмуига кирувчи ташкилотлар, корхоналарда шартномалар тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашнинг аҳволини яхшилашга қаратилган муаммоларга эътибор берилди. Шартномавий муносабатлар корхона ва ташкилотларимизда йилдан йилга яхшиланиб бормоқда. Лекин бу борада хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш зарур. Баъзан шартномаларнинг юрист хулосалари инобатга олинмасдан тузилишига йўл қўйилмоқда. Жумладан, 2000 йилда ижро этилмаган ёки лозим даражада ижро этилмаган 7,8 миллиард сўмлик 2526 та шартнома аниқланди.

Оила ва қонун

ЭР-ХОТИННИНГ УМУМИЙ МУЛКИ

(Боши газетамизнинг 29-сонида)

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган молмулклари уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Бу амалдаги ОКга кириб келган янги қоида бўлиб, у бўлажак эр-хотиннинг никоҳ қайд этилгунга қадар йиғилган умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклардир.

3. ОКнинг 23-моддаси 2-банди умумий мулкнинг асосий турларини санаб беради. Улар жумласига эр ва хотиннинг ҳар бирига оид меҳнат ҳамда тадбиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолияти натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек, махсус мақсадга мўлжалланган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиши ёки саломатлигига бошқача зарар етиши оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганлик муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланган суммалар ва бошқалар) киради.

ФКнинг 216-моддаси 2-бандига биноан биргаликдаги мулк улушлари аниқлаб қўйилмаган тақдирда умумий мулк бўлиши мумкин.

4. Никоҳни тегишли тартибда қайд эттирмасдан туриб, эр-хотин бўлиб яшаш уларнинг мулкини биргаликдаги умумий мулк деб топиш учун асос бўлмайди.

Никоҳни қайд эттирмаган ҳолда бир оила бўлиб яшаган шахсларнинг мулкий муносабатлари фуқаролик қонунлари нормалари билан тартибга солинади.

Собиқ Иттифоқ даврида, яъни 1944 йил 8 июлдаги Фармон қабул қилингунга қадар рўйхатдан ўтказилмаган, лекин амалдаги никоҳда бўлган шахсларнинг оилавий ҳуқуқ муносабатлари рўйхатдан ўтган никоҳда бўлган шахсларникига тенглаштирилганлиги туфайли уларга, яъни эр-хотинга тегишли бўлган мол-мулк ҳам биргаликдаги умумий мулк ҳисобланади. Ҳозирги вақтда 1944 йил 8 июлгача амалда никоҳда бўлган шахсларнинг биргаликдаги умумий мулки жуда ҳам кам учрайди.

Эр-хотиннинг текинга олган мулклари, жумладан, тўй муносабати билан олинган совғалар (тўйдан кейин ўтказиладиган маросимлардан олган совғалар), агар улар умумий фойдаланиш буюмларидан иборат бўлса, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки таркибига киради.

Агар эр-хотиннинг ҳар бирига тегишли бўлган мулкка никоҳдаги ҳаётлари давомида шу мулкнинг қийматидан анча ошиқ маблағ сарфланганлиги (қайта таъмирлаш, қўшимча қурилиш қилиш, қайта ўзгартириш ва ҳоказо) аниқланса, бу мулк эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки деб топилиши мумкин.

5. ОКнинг 23-моддаси 3-банди узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин ўзларининг умумий мол-мулкига нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлишлиги тўғрисидаги анъанавий қоидани келтиради. Бироқ қонун бундай сабабларнинг тўла рўйхатини бермайди. Фақат иккитасини уй-рўзғор ишларини юритиш ва болаларни парвариш қилишни келтириш билан чекланади. Қонунда узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақига эга бўлмаган эр ёки хотиннинг умумий мулкидаги ҳиссасининг баробар бўлиши ҳақидаги қоида, асосан касаллиги сабабли ишлаб чиқаришда қатнаша олмайдиган шахсларнинг манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган. Алоҳида ҳолларда, бу қоидани, армияда хизмат қилиш, ўқишда бўлганлиги ёки умум оила манфаатларини кўзлаб қилинган бирор иш билан банд бўлганлиги учун, ишлаб чиқаришга қатнаша олмаган эр ёки хотинга нисбатан ҳам татбиқ қилиниши мумкин.

6. Эр-хотин фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалиги аъзолари бўлсалар, уларнинг биргаликдаги умумий мулклари шу хўжалик тўғрисидаги қонунлар билан тартибга солинади. Уларнинг мол-мулкини бўлиш Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 223- ва 225-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида амалга оширилади.

БОЛҚОНДА ҲАМОН НОТИНЧЛИК

Шарҳ

Икки йилдирки, Болқон минтақасидаги нотинчликнинг адоғи кўринмайди. Югославиядаги можароларга якун ясалмасданоқ, Македонияда яна бир этник ғавғо юзага келди. Тўғрироғи, кўп йиллик зиддият аланга олди.

Македониядаги икки миллат - македон ва албанлар ўртасидаги келишмовчилик 1991 йилдан, яъни мамлакат мустақилликка эришганидан сўнг зўрая бошлаганди. Гўёки, пуфак шиша-шиша ёрилганидек, ушбу келишмовчилик ҳам бугунга келиб қуролли зиддият тусини олди. Бунга туртки бўлган омиллар талайгина.

Македония ҳукумати албан миллатига мансуб аҳолини мудом сиқувга олиб келаётганди, деб бўлмайди. Албанларнинг талаб-истаклари беэътибор қолган эмас, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳам у ёки бу даражада ҳимоя қилиниб турарди. Бироқ сўнгги пайтда ҳукумат айни ҳақ-ҳуқуқ масаласида бироз четга оға бошлади. Масалан, аҳолини рўйхатга олишда албанлар сони атай камайтириб кўрсатилди. Ҳукумат расман уларни аҳолининг 23 фоизини ташкил қилади, деб кўрсатди. Аммо, албанларнинг уқтиришича, улар 40-50 фоизга етади. Бундан ташқари, мамлакатда бу миллатнинг турмуш даражаси ҳам анча паст. Маълумотларга кўра, ҳукумат таркибидаги амалдорлар орасида албанлар бор-йўғи 3 фоизни ташкил қиларкан.

Айни шу омиллар албанларнинг айирмачилик ҳаракатини бошлашига олиб келди, дейиш мумкин. Икки йилдан буён айирмачи жангарилар атай бузғунчиликлар уюштириб, Македония полициясининг жиғига тегиб келаётганди. Ниҳоят, улар яқинда албанларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шиори остида Косоводан Македонияга бостириб кириб, бир қанча қишлоққа ўрнашиб олди. Бу билан Косоводаги сингари яна бир уруш ўчоғи пайдо бўлиш хавфи туғилди. Бироқ Македония армияси ўтган ҳафта албан жангариларини мамлакатдан қувиб чиқаришга киришди. Косовога чегарадош Тетово шаҳри яқинида қуролли тўқнашувлар бўлиб ўтди. Ҳукумат аскарлари қўли устун келиб, жангариларни ортга чекинишга мажбур қилди.

Шу кунларда Македония Югославиядан ажралиб чиққанидан кейин ўтган ўн йиллик давр ичида хавфсизлик борасида энг жиддий инқирозни бошдан кечирмоқда. Бунинг сабабларини минтақадаги умумий нотинчликка тақаш тўғрироқ бўлади. НАТО албанларнинг «Косово озодлик армияси»ни (КОА) қўллаб-қувватлаган ҳолда, Югославияни бомбардимон қилганлиги барчага маълум. КОА очиқ-ойдин Шимолий Атлантика ҳарбий альянсига хизмат қиларди. Бомбардимонлардан сўнг КОА тарқатилди, лекин кўп ўтмай, КОАда хизмат қилган аскарлардан ташкил топган янги «Миллий озодлик армияси» (МОА) деган ноқонуний гуруҳ пайдо бўлди. Македонияга бостириб кирганлар ҳам айнан МОА жангариларидир.



Италия

МОА томонидан Македониянинг албанлар энг кўп истиқомат қиладиган ғарбий қисмида «федерация» мақомини қўлга киритиш учун қилинаётган ҳарбий ҳаракатлар ижобий натижа бериши қийин. Уларнинг асосий мақсади Македония ғарби ва Сербия жанубини эгаллаш, шу билан ушбу ҳудудларни Косовога бирлаштириб, алоҳида Федератив Косово давлатини тузишдан иборат. Амалий жиҳатдан буни рўёбга чиқариб бўлмаслиги равшан. Қолаверса, Европа давлатлари ҳам бунга йўл қўймаслиги аниқ. Яқинда Европа Иттифоқининг Стокголмда бўлиб ўтган саммитида бош масала сифатида Македониядаги воқеалар муҳокама этилди. Қайд этиш керакки, иттифоққа аъзо деярли барча давлатлар Македонияни сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлашини билдирди.

Македонияга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда. НАТО, ЕИ ва ЕХҲТ каби ташкилотлар вакиллари тез-тез Болқонга келиб, вазиятдан хабардор бўлиб турибди. Улар ошкора равишда албан экстремистлари ҳаракатини қоралаб, Македония мустақиллиги ва яхлитлигини қўллаб-қувватлаётир. Мамлакатда тўла барқарорлик ўрнатишнинг чоралари кўрилаётир, расмий Скопьега четдан ҳарбий ёрдам ҳам берилаётир. Шулар назарда тутилганда, албан айирмачиларининг федерация ёки мустақиллик тўғрисидаги талаби ҳеч қачон қондирилмайди, деб қатъий айтиш мумкин. Бироқ қуролли тўқнашувлар ҳали-бери якун топмаслиги ҳам аён.

Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

АЛПОМИШ ВА БАРЧИНОЙ

Тест синовларига тайёрмисиз?

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар, Мудофаа вазирликлари ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан республикамиз аҳолисини соғломлаштириш, оммавий спорт мусобақаларини кенг қўламда уюштириш ҳамда барчанинг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлик даражасини белгилаш мақсадида Алпомиш ва Барчиной махсус тест синовларини жорий этиш ҳақида қўшма қарор қабул қилинган эди. Ҳозир барча вилоятларда ушбу тест синовларини ўтказиш ишлари бошланиб кетди. Биз Алпомиш ва Барчиной махсус тест синовларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этган тажрибали мутахассис — Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти спорт ўйинлари факультетининг декани, профессор Тўлқин Юнусов билан учрашиб, тест синовларининг мақсади ва моҳияти, биринчи навбатда нималарга эътибор берилганлиги хусусида фикрлашдик.

— Биз Ўзбекистон аҳолисининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлик даражасини белгилаш мақсадида махсус тест синовларини иложи борича мукаммал ва ҳаммабоп тарзда ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик, - дейди суҳбатдошимиз. - Уларнинг меъёри беш ёшдан бошлаб олтмиш ва ундан юқори ёшдагилар учун жами ўн бешта ёш тоифаларига мослаштирилган.

Тест синовларининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, биринчидан, унинг меъёрларини дабдурустдан топшириб бўлмайди. Бунинг учун албатта дастлаб машқ қилиш керак. Организм тест жисмоний ҳаракатларини бажаришга мослашганидан кейингина синовлар топширилади. Ана шу мақсадда тестларни бажаришга мўлжалланган услуб тақдим этилади. Ушбу услубда тест кўпкураши юзасидан ҳар бир меъёрни машқлар орқали тайёрлашнинг йўллари кўрсатилган. Унда турли ҳисоб меъёрлари, хусусан, кўкрак белгиси меъёрлари мавжуд. Жумладан, учинчи, ўсмирлар даражасидан спорт устаси унвонини олишгача меъёрлар кўзда тутилган бўлиб, тест синовларини топшириш билан фаол шуғулланган кишилар маълум изчилликда чиниқиб, тобланиб борган ҳолда спорт устаси даражасини ҳам қўлга киритишлари мумкин.

Алпомиш ва Барчиной тест синовларидан жисмоний тарбиянинг назарий асослари ҳам ўрин олган бўлиб, тест синовларини топшириш билан шуғулланиш, унинг меъёрларини бажариш учун ҳар бир ўқув муассасаси, корхона, ташкилот, аҳоли турар-жойларида етарли даражада имкониятлар мавжуд. Бунинг учун хоҳиш бўлса бас.

— Тест синовларини ҳаётга татбиқ этиш билан қайси идора ва ташкилотлар шуғулланаётганлиги ва унинг дастуридан қайси спорт турлари ўрин олганлиги хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Махсус тест синовларини жойларда ташкил этиш юмушлари билан Давлат спорт қўмитаси, унинг қошидаги илмий-услубий кенгаш, Республика миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантириш маркази, бир қанча вазирликлар, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Камолот» жамғармаси ҳамкорликда шуғулланмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Алпомиш ва Барчиной тестларини жорий этишдан олдин муайян даражада тайёргарлик ишлари олиб борилди — ҳар бир вилоят, шаҳарда семинарлар ўтказилиб, унда ҳокимликлар, спорт қўмиталари, касаба уюшмалари ва ёшлар ташкилотларининг вакиллари қатнашди.

Тест синовларига боғча, мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юртларининг талабалари, маҳаллалар аҳли, корхона, ташкилот, муассасалар, вилоятлардаги жамоа хўжаликлари аъзоларини фаол жалб этиш кўзда тутилган.

Низомга кўра биринчи босқич — 5-15, иккинчи босқич — 16-39 ва учинчи босқич - 40 ва ундан юқори ёшдагилар учун мўлжалланган. Ҳар бир босқич ўз синов меъёрларига эга. Масалан, иккинчи босқич учун саккизта усулда тест синовлари белгиланган. Бунда, масалан, қизлар 1000 метрга югуришлари, арқонда сакрашлари, 50 метрга сузишлари, пневматик милтиқдан отишлари, жойларидан туриб узунликка сакрашлари, қўлларини букиб ёзишлари, граната улоқтиришлари керак бўлади. Яъни, тест синовларини топшириш мусобақалар шаклида ташкил этилади.

Кўпкураш бўйича 12-15, 16 ва ундан юқори ёшдагилар даража меъёрларига топширишлари мумкин. Энг юқори натижа кўрсатганларга эса кўкрак нишонлари топширилади. Спорт устаси унвонини олиш учун Республика, Осиё ва Жаҳон биринчиликларида меъёрларни бажариш лозим бўлади.

Ҳозирча сузиш ва пневматик милтиқдан отиш бўйича синов меъёрларини топшириш юзасидан айрим муаммолар бор. Яъни, сув ҳавзалари ва тирлар кам бўлганлиги сабабли, синовнинг ушбу турларини вақтинчалик ўзгартириш мумкин. Чунончи, милтиқдан отиш ўрнига теннис коптокчасини мўлжалга ташлаш ва сузиш ўрнига олти дақиқалик юриш ва югуриш киритилади. Келгусида ҳавзалар ва тирлар кўпайиши билан бу йўналишлар ўз изига тушиб кетади.

— Алпомиш ва Барчиной махсус тест синовларини янада ривожлантириш, уларнинг таъсир доирасини кенгайтириш юзасидан келгусида қандай режаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда?

— Республикамиз бўйлаб ўтказилган тест синовларини топшириш тадбирлари кишига қувонч бахш этади. Зеро, барча ўқув муассасалари, ташкилотларда улар байрамона руҳда, катта қизиқиш остида ўтмоқда. Айниқса, Тошкент шаҳридаги Собир Раҳимов қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи, Тошкент Давлат аграр университети, Чилонзор туманидаги 204-боғча-мактаб ва Мирзо Улуғбек туманидаги 120-мактабдаги тест синовлари байрамга айланиб кетди. Унда боғча болалари, ўқувчи ва талабалар билан бир қаторда профессор-ўқитувчилар, мактаб директорлари ҳам ёшларга ўрнак бўлган ҳолда тест синовларини муваффақиятли топширишди. Жуда кўплаб қатнашчилар кўкрак нишонлари, даража меъёрларининг соҳиблари бўлишди.

Режалар тўғрисида шуни айтишим мумкинки, берилган меъёрлар бир йил давомида тажриба тариқасида қабул қилинганидан кейин улар қайта кўриб чиқилади ва лозим бўлса тегишли ўзгартиришлар киритилади. «Соғлиғинг ўз қўлингда» деган услубий кўрсатма орқали аҳолига етказилади. Келгусида уларни Алпомиш ва Тўмарис ўйинлари фестиваллари дастурига киритиш режалари ҳам бор. Бунда оммавий ахборот воситаларининг ҳам роли каттадир.

Суҳбатдош: Дилшод ИСРОИЛОВ.

Набирам, камол топ, тўлсин шууринг,
Сен бўл саодатим, бўлгин ғурурим.

Р.АКБАРАЛИЕВ олган сурат.

ЯШИЛ ЧИРОҚ ҒОЛИБЛАРИ

Навоий туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси мактабларда спорт ва бошқа соҳаларга оид турли тадбирлар ўтказишга катта эътибор бермоқда. Бунинг самараси ўлароқ Амир Темур номли 4-ўрта мактабнинг «Чорраҳа» гуруҳи республика мактаб ўқувчиларининг «Яшил чироқ» кўрик-танловида ғолиб чиқди.

Яқинда шу муносабат билан ғолиб жамоага туман халқ таълими бўлими ҳамда касаба уюшма қўмитасининг фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо ва эсдалик совғалари топширилди.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

Олис қишлоқ спорти

Тобогар — Бухоро вилоятининг энг чекка қишлоқларидан бири. Жондор тумани «Зарафшон» ширкат хўжалигига қарашли бу сўлим масканда икки мингга яқин киши истиқомат қилади. Аҳолининг 65-70 фоизини ёшлар ташкил этади.

ТОБОГАРДАН ЧЕМПИОНЛАР ЧИҚАДИ

Қувонарли жиҳати шуки, кичгинагина қишлоқда бугун ўнлаб спорт усталари, спорт усталигига номзодлар бор. Сўнгги йилларда тобогарлик чемпионлар — вилоят, республика миқёсидаги мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорлари сони тобора ортиб бормоқда. Хўш, бу муваффақиятлар сири нимада?

Бизнингча, бунинг сабабини фақат бир нарсада — спортга бўлган юксак иштиёқнинг фидойилик аталмиш туйғу ила уйғунлигида кўриш мумкин. Ваҳоланки, қишлоқда мақтагулик биронбир замонавий спорт мажмуи йўқ. Фақат ҳашар йўли билан бунёд этилган 2 та ўйингоҳ, 3-4 та майдонча-ю битта клуб ёшлар хизматида. Барча ютуқлар мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланаётган йўрикчи, мураббий ва ташкилотчиларнинг жонкуярлиги туфайли қўлга киритилмоқда. Давлат Рўзиев, Саид Аллаев, Иноят Шаропов, Рўзи Каримов, Ҳамдам Темиров, уч оға-ини Нуриддин, Муқимжон ва Ахтам Болтаевларни ана шундай кишилар сирасига киритиш мумкин. Айнан уларнинг саъй-ҳаракатлари билан қишлоқ футболчилари турли нуфузли мусобақаларда, хотира турнирларида муваффақиятли иштирок этишмоқда. Шунингдек, волейбол, қўл тўпи, шахмат-шашка каби спорт турлари ҳам кун сайин оммавий тус олмоқда.

Айниқса, қишлоқ ёшларида бугун чин маънода ифтихоримизга айланган миллий курашга иштиёқ кучли. Деярли ҳар куни ёш полвонлар қишлоқ марказидаги клубда тажрибали мураббийлар раҳбарлигида маҳоратларини оширмоқдалар. Машғулотларда ҳатто ён-атрофдаги қишлоқлардан келган умидли ёшларни ҳам кўриш мумкин.

У.НАВРЎЗОВ, «Ишонч» мухбири.

Жума ўгити

Ҳусайн Воиз КОШИФИЙ

АКСА УРИШ ОДОБИ

«Агар акса уриш одоби нечта, деб сўрасалар, тўртта деб айтгил: биринчидан, акса уриш пайтида енги ёки рўмолчасини оғзи олдига тутиб турсин, токи акса пайтида оғзи ва бурнидан атрофдагиларга табъни хира қилувчи нарсалар чиқиб кетмасин. Иккинчидан, агар акса уч мартадан ошса, мажлисни тарк этсин, чунки аксанинг кўпайиши бирор нохушликни пайдо қилиб, ўтирганларга малол келтириши мумкин... Тўртинчидан, агар биров сенинг аксангга «саломат бўлинг!» деб жавоб айтса, «раҳмат» дейиш керак.

Агар аксага жавоб берувчининг одоби нечта, деб сўрасалар, учта деб айтгил: аввал шуки, акса урган одам «Алҳамдулиллоҳ!», деб худога ҳамд айтсагина, «саломат бўлинг!» деб жавоб айтиш керак, агар ҳамд айтмаса, жавоб бериш ножоиз... Учинчидан, агар акса учтадан ошса, жавоб қайтарилмасин...»

Синовли дунё

САДОҚАТ ТИМСОЛИ

Хизмат сафарим охирлаб, икки кун мобайнида менга ҳамроҳлик қилган маҳаллий ташкилот ходими билан шоҳбекатга бордик. У ерда одам кўп, автобус эса кўринмасди. Ҳамроҳим ичкарига кириб кетди-да, кўп ўтмай қайтиб чиқди.

- Тошкентга автобус бир ярим соатдан кейин бўлар экан, - деди у, - ҳали вақт бор, унгача меҳмон, бир пиёладан чой ичсак. Бозоримиз ҳам яқин, айланамиз. Қолаверса, бу ҳам бир сайр.

У аввал бозор томон бошлади. Шеригим шу ерлик эмасми, ҳар қадамда кекса-ю ёш билан салом-алик қилар, улар бўлса очиққўнгиллик билан бизга мулозамат кўрсатар эди. Шу пайт ён томондан кимдир:

- Ия, қайси шамол учирди, ака, - дея менга мурожаат қилди.

- Ассалому алайкум.

Овоз келган томонга қараб саломга жавоб бердим. Картошка уйилган пештахта ортида бир аёл кулиб турар эди. Дарров таний олмадим. Кейин эсладим, курсдошим Саодат-ку! Орадан қарийб йигирма йил ўтган бўлса-да, у аввалгидек латофатли эди. Бироқ, сочларига эрта оқ оралабди. Ҳаёт ташвишлари чеҳрасига бироз соя солибди. Бир пайтлар ака-сингилмиз деб унга ўзим айтганим ёдимга тушди. Кейин, бултур қайси бир газетада унинг сурати билан мақола берилиб, касбига фидойи ўқитувчилиги ҳақида илиқ гаплар ёзилганини хотирладим.

...Саодат билан дорилфунунда бирга ўқиганмиз. У ҳам ўқишга кечроқ кирган эди. Сабабини кейин эшитдим. Узатилиб, уч йил турмуш қурган, фарзанд бўлмагач, ажрашган экан. Уни барча ҳурматларди. Ёшларга опадек, катталарга сингилдек муносабатда бўлар, муомалада меъёр, одобни сақлар эди. Бузилган турмуши туфайлими, кўпинча хомуш ва паришон юрар эди.

Учинчи курсни тугатиб таътилдан сўнг ўқишга борсак, курсдошимиз Насиба қишлоғидан гап топиб келди. Саодат турмушга чиқибди. Хотини вафот этиб, вояга етмаган уч фарзанди билан қолган одамга тегибди. Ўқишини сиртқига кўчирибди.

У ҳақдаги гап-сўзлар уч-тўрт кун давом этди-ю, сўнг тинди. Вақт ўтгани сайин барча ҳурмат қиладиган Саодат курсдошлар хаёлидан кўтарилиб бораверди.

Бир йил ўтгач, ёзги сессияда уни кўрдим. Қўлида йўргакланган чақалоқ, ўзи гулдек очилган эди. Хайрият, дедим хаёлан, бахтини топибди.

- Фарзандимиз тўртта бўлди, - жилмайиб деди у. - Мана, менинг Фазилатимни бир кўринг. Икки ойлик бўлди.

- Қачон келдинглар?

- Кеча. Дадаси бугун эрталаб уйга қайтдилар. Катта қизим мен билан бўлади. Қийналсак ҳам чидаймиз-да энди.

- Бирон ёрдам керак бўлса, тортинмай айтаверинг. Ҳар куни шу ердаман.

- Раҳмат, ака. Тошкентда сиздан бошқа ҳеч кимим йўқ. Зарурат бўлса айтаман.

Умр ўтаверар экан. Энди ўйласам, ўша суҳбат назаримда кечагина бўлган эди, аслидачи?

- Аяжон, иссиқ сомса олиб келдим, совимасдан енг. Ҳозир қайноқ чой келтираман.

Суҳбатлаша туриб ва хотирага берилиб эътибор қилмабман. Аёлнинг рўпарасида йигирма икки ёшлардаги хушқад йигит қоғоз халтани унга тутқазар эди. Кейин бизга қараб салом берди.

- Илҳомжон, иккинчи ўғлим, - таништирди Саодат, - она-бола бозоримизни берсин деб саҳарлаб келгандик.

Улар билан илиқ хайрлашдик. Сал юргач, ҳамроҳим гап бошлади:

- Курсдошингиз билан ҳамқишлоқман. Оқила, бамаъни аёл. Садоқати, бардошига балли. Ундайларга ҳайкал қўйса арзийди. Илҳомжонларга она бўлиб борганида шу йигит ҳали чақалоқ эди. Бир ўзи тўрт болани ўкситмай вояга етказди. Эҳҳе, у кўрган қийинчиликлар...

- Бир ўзи дедингизми? Эри-чи?

- Фазилат ёшига тўлар-тўлмас эри автоҳалокатга учраб дунёдан ўтган. Бояқиш хотин айриликдан жуда эзилди. Эрининг йили ўтгач, тоға, акалари олиб кетмоқчи эди, кўнмади. «Нора-сидаларни ташлаб қандай тинч яшайман. Пешонамга шу тақдир ёзилган экан, чидайман. Отасининг руҳи чирқирамасин» дебди. Ҳаммасига чидади. Ҳам оталик, ҳам оналик вазифасини уддалади. Мактабдан келиб далага чопди. Меҳнати орқасидан орзу-ҳавас кўряпти. Қиз чиқариб, ўғил уйлантирди. Иккита невараси бор. Энди Илҳомжонни уйлантириш ҳаракатида. Бу ёғи қизи ҳам бўйи етиб қолди, университетда ўқийди.

...Автобус бир маромда манзил томон кетиб боради. Ойнадан поёнсиз далаларга тикиламан-да, ўй сураман. Кўз олдимдан Саодатнинг беғубор жилмайган нигоҳи кетмасди.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

Сабоқ

КЎЧАДА ТЕНТИРАГАН БОЛА...

Миллатнинг буюк келажагини, порлоқ эртасини фақат соғлом, ҳар жиҳатдан баркамол авлодгина қура олади. Бинобарин, истиқлол йилларида ёшларга эътибор юксак даражага кўтарилганлиги бежиз эмас. Ёшлар тарбияси, уларнинг комил инсон бўлиб вояга етишларида эса барча — ота-она, маҳалла аҳли, мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари, олий ўқув юртлари масъулдир.

Бироқ, ачинарлиси, сўнгги вақтларда фарзандларимиз тарбиясига бўлган эътиборсизлик, кўриб-кўрмасликка олиш оқибатида ёшлар ўртасида турли даражадаги жиноятлар содир этиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Мисолларга мурожаат этайлик.

Асрор Жўраев 1986 йилда туғилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми бўйича илгари судланган бу ўсмир ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, эътиборсизлик оқибатида яна жиноят кўчасига кирди. Шу йилнинг 21 январ куни у шериги, вояга етмаган Урол Хўжанов билан бирга «Осиё-Р» фирмаси биносидан 4 та кичик магнитафон (плейер), 2 та туфли, 16000 сўм миқдордаги пулни ўғирлади. Шунингдек, ўтган йилнинг декабр ва жорий йилнинг январ ойлари мобайнида вояга етмаган 1983-84 йилларда туғилган Денов шаҳар 80-мактабнинг 6 нафар 11-синф ўқувчилари ўғирлик билан шуғулланиб келишгани маълум бўлди. Улар фуқароларнинг шахсий автомобилларидан жами 11 та магнитафонни ўғирлаб, сотиб юборишган. Наҳотки, мактаб жамоаси, ота-оналар бу ўсмир ёшларнинг бўш вақтларида қай иш билан машғул эканликларидан бехабар бўлсалар? Афсуски, мазкур мактабда ўқувчиларни бўш вақтларида турли касб-ҳунар, спорт тўгаракларига жалб этиш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги сабабли шундай ачинарли ҳолат содир этилган. Ўқитувчилар, ота-оналар ўзларининг фарзандлари, ўқувчилар олдидаги вазифаларини тўла ҳис қилмаганлар. Акс ҳолда, ёш ўсмирлар томонидан бу каби нохуш ҳолатлар содир этилмаган бўлар эди.

Эркин ҲАКИМОВ, Денов туманлараро прокурори ўринбосари, 1-даражали юрист.

ХЎЖАЛИК ҚУРГАН МАКТАБ

Чортоқ туманидаги «Пешқўрғон» ширкат хўжалиги бошқаруви ўтган йилда 22-мактаб ўқувчилари учун янги спорт зали қуриб берган эди. Бунинг учун хўжалик ҳисобидан 7 миллион сўм маблағ сарфланди. Созсой қишлоғи меҳнаткашларининг фарзандлари қўшни қишлоққа қатнаб ўқишга мажбур эдилар. Айниқса, қишнинг совуқ кунларида ўқувчилар кўп азият чекишарди.

Хўжалик раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари билан уларнинг мушкуллари осонлашди. Қишлоқда 150 ўринли мактаб биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Бу ғамхўрликдан маҳалла аҳли, айниқса ёшлар беҳад мамнун бўлишди.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Фарғона вилоят қўмитаси раисининг ўринбосари И.Мамажоновга волидаи мухтарамаси **Халима аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 00.15

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6